

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УМАРОВ ИЛҲОМЖОН АКБАРОВИЧ

**ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИНИНГ “МАЛИКА АЙЁР” ДОСТОНИ
ЛЕКСИКАСИ (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва
стилистик таҳлил)**

10.00.01-Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

УЎК: 801.6:81'37/'44:821.

512.133 (092) Йўлдош Ф.

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Умаров Илхомжон Акбарович

Фозил Йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-
этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил) 5

Умаров Илхомжон Акбарович Лексика дастана “Малика айёр” Фазиля
Юлдаша угли (историко-этимологический, функционально-семантический и
семантико-стилистический анализ) 23

Umarov Ikhomjon Akbarovich Lexics of the epos “malika ayyar” by Fazil Yuldash
ogly (historical-etymological, functional-semantic and stylistically analyses) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

УМАРОВ ИЛҲОМЖОН АКБАРОВИЧ

**ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИНИНГ “МАЛИКА АЙЁР” ДОСТОНИ
ЛЕКСИКАСИ (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва
стилистик таҳлил)**

10.00.01 - Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.3.PhD/Fil232 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.fdu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманазарова Гулжаҳон Умурзоқовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Ўринбоева Дилбар Базаровна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи илмий муассаса:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.15.Тел.: (99873) 244-71-28.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

И.Т.Хожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, эпос тилидаги лексик бирликларнинг маъно табиатини очиб бериш, тарихий қатламларининг таркибини аниқлаш ва мавзуий таснифлаш масалалари тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш миллий ўзликни англашнинг бош мезонига айланган бугунги кунда халқ дostonларидаги серқатлам семантик кўламнинг тарихий асослари, тавсифи ва таснифи борасидаги масалаларни структур-семантик усулига таянган ҳолда илмий талқин этишга қаратилган салмоқли тадқиқотлар юзага келди. Бу борада муайян назарий-амалий қонуниятларни тўлақонли аниқлаш, улар ҳақида мукамал ва аниқ хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида эпос тилидаги сўзларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиб ўрганиш, уларнинг муайян тилга кириб келиш манбаларини аниқлаш ва кўп маънолилиқ хусусиятларини белгилаш бўйича салмоқли илмий тажрибалар тўпланган. Бугунги глобаллашув жараёнида халқ дostonларидаги лексик бирликларнинг услубий-маънавий табиати ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга эътибор қаратилмоқда. Антропоним ҳамда топонимларни тарихий-этимологик жиҳатдан таснифлаш орқали ўзига хос этнолингвистик мезонлар ўрганилмоқда

Бугунги кунда аждодларимизнинг кўп асрлар мобайнида яратган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш, уларни кенг миқёсда оммалаштириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. «...тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир»¹. Ҳозирги кунда халқ ижодининг барча жанрларидаги ноёб намуналарини ўрганиш, шу асосда, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”нинг 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва текстологик ўрганиш муаммоларига эътибор кучайтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, «Малика айёр» достони луғавий қатламларини аниқлаш, мавзуий таснифларини ёритиш, лексемаларнинг функционал-семантик тадқиқини амалга ошириш, шунингдек, лексик-стилистик табиатини таҳлил қилиш ва ўз навбатида, бундан дунё илм-фанини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.

ПК-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПК-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПК-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2019) талаблари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ўзбек халқ дostonларининг лисоний, типологик ва бадий-эстетик хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, россиялик Л.М.Пеньковский «Алпомиш» дostonини рус тилига таржима қилган ва чоп эттирган, ушбу таржима асосида Ян Комаровский словак тилда нашр эттирган ва ўрганган²; франциялик Реми Дор «Нурали» дostonини ўз тилига ўгирган ва тадқиқ қилган³; олмониялик К.Райхл ва корейлик О.Ингёнг тадқиқотларида⁴ “Равшан” ва “Алпомиш” дostonлари махсус ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратилган: ўндан ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинган. Бу борада айниқса, Ш.Шоабдурахмонов, С.Турсунов, З.Холмонова, Ж.Холмуротова, А.Раҳимов, Х.Тошматов, Ш.Маҳмадиев, Х.С.Рўзимбоев, С.М.Сариев, А.А.Холиқов, Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Қ.М.Оллоёров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари⁵ характерлидир. Лекин «Малика айёр» дostonининг

²Қаранг: Мирзаев Т. Дostonлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. 1-жилд, –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015.- Б.28.

³Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d’un heros epique. – Paris, 1991; Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P.23-25.

⁴Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epes. Otto Harrassowitz, Wiesbaden, 1985; Райхл Карл. Тюркский эпос. – М.Вост. литер., 2008; Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг киёсий-типологик таҳлили. ДД. – Тошкент, 2014.

⁵Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: АКД.– Тошкент, 1949.; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: АКД. – Ташкент, 1990.; Холмонова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): НДА. – Тошкент, 1998; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: НД. – Тошкент, 2000; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида) НДА. – Тошкент, 2000; Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг кўлёма варианты. НД, Тошкент, 2007; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг киёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): НДА. – Самарқанд, 2002; Халиков А.А. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: НДА. – Тошкент., 2009; Жуманазарова Г. “Ширин билан шакар” дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): НДА, –Тошкент, 2008; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик,

луғавий қатламларини аниқлаш, вазифавий-семантик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш каби долзарб масалалар ҳозиргача ўзбек тилшунослигида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади «Малика айёр» достони лексикасини этимологик, функционал-семантик ва стилистик жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилшунослигидаги халқ дostonларининг луғавий қатламлари муаммоларига оид амалга оширилган илмий тадқиқотларни ўрганиш;

дostonдаги сўзларни мавзуий гуруҳларга ажратиш ва лексик-семантик табиатини очиб бериш, ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал таҳлилин амалга ошириш;

антропоним ва топонимларни этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш, маъмурий-худудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемаларнинг лисоний табиатини тадқиқ қилиш;

зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқини амалга ошириш;

дostonдаги кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеологик тадқиқини тавсифлаш, ибораларнинг услубий хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган «Малика айёр» достонининг 1988 йилдаги нашри тадқиқот манбаи учун асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предмети “Малика айёр” достонининг лексик хусусиятларини очиб беришни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ва танлама усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дostonнинг лексик қатламлари тизими тарихий-генетик омиллар асосида таркиб топганлиги аниқлаб берилган;

ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал, услубий, коммуникатив, коннотатив хусусиятлари ёритилган;

антропоним ҳамда топонимларни тарихий-этимологик жиҳатдан таснифлаш орқали тарихий қатлам, ўзлашма, ибора кабиларнинг ўзига хос номловчи, таъсир этувчи, ифодаловчи этнолингвистик мезонлари кўрсатиб берилган;

дostonдаги зоонимик ва орнитонимик лексик birlikларнинг функционал-семантик табиати аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Малика айёр” достонининг лисоний хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар, қўйилган масалаларни тадқиқ этиш натижасида келинган хулосалар ҳозирги тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Лексикология», «Матн лингвистикаси»,

лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). ДД. Тошкент, 2017 йил; Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаоммолари, ДД, Самарқанд 2019; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Самарқанд., 2018, Б.46. ва бошқалар.

«Диалектология», «Стилистика», «Ўзбек тили тарихи» каби фанлардан яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

достон тилининг ўрганилишидаги етакчи тамойиллар, лексик бирликларнинг тарихий-этимологик ва функционал-семантик таҳлили билан боғлиқ илмий қарашлар бирламчи манбаларга асосланиб ёритилган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган изоҳли луғатнинг она тили таълимида, оғзаки сўзлаш нутқида ўқувчи-талабаларнинг филологик билим ва малакаларини оширишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, лексик бирликларнинг этимологик таҳлилларида ўзбек адабий тили тарихи ва нуфузли луғатлардаги маълумотларга таянилганлиги, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама ва таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар умумжаҳон лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. “Малика айёр” достони лексикаси асосида ёзилган мазкур тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида лингвофольклористик тадқиқотлар яратишда, шу жумладан, халқ достонларининг тили ва услуби, лексик-семантик хусусиятлари, тарихий қатламларини тилнинг ички қонуниятлари билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикология”, “Ўзбек тили диалектологияси” бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар яратиш, халқ достонлари тилининг изоҳли луғатини тузиш, хусусан, достонлар лексикаси ва этимологик изоҳи бўйича луғатлар яратишда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида лексикология бўйича махсус курслар, ўқув ва семинар машғулотларини ташкил этишда кенг фойдаланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Малика айёр” достони тилининг лексик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

тадқиқот натижаларидаги ибораларнинг семантик ва грамматик, функционал-стилистик имкониятларини аниқлашга оид илмий кузатишлардан; антропоним, ойконим ва оронимларни ифодаловчи атоқли отларнинг деривацион хусусиятлари, таркиб топиш усуллари, оддий сўз ясалиши билан боғлиқ атоқли отлар ясалишига хос фарқли жиҳатларни ёритишга оид илмий хулосалардан ОТ–Ф8–062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 89-03-4950-сон маълумотномаси). Натижада ибораларнинг маъно янгиланишлари очиб берилган; атоқли отлар деривацияси билан боғлиқ ясалиш усуллари, шунингдек, антропоним, ойконим

ва оронимларнинг ясалиш модулларига доир изоҳлар ва таҳлиллар мукаммаллашган;

диссертация натижаларидан Ф1-ФА-2012-1-8 рақамли “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш муаммолари” номли фундаментал лойиҳанинг 27 - (Малика айёр: дostonлар) жилдини нашрга тайёрлаш, матн юзасидан луғат тузиш ва илмий изоҳлар ёзишда зоонимлар билан боғлиқ ўринларни таҳлил қилишда, афсонавий эпик жониворлардан *от*, шунингдек, *туя*, *ит*, *бўри*, *той* ва бошқа ҳайвонлар образининг мифологик асослари масаласини ёритишда, баъзи антропонимлар (*Гўрўгли*, *Соқибулбул*), топонимлар (*Чамбил Қўйиқоф*, *Яман*), оронимлар (*Кўкламтоғ*, *Бадбах чўл*, *газа*, *адир*), гидронимлар (*Гулҳовуз*, *Ховдак кўл*)нинг илмий изоҳларини ёзишда ва матн юзасидан луғат тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 89-03-4950-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий асосланишига ҳамда илмий материаллар билан таъминланишиги эришилган.

тадқиқот хулосаларидаги фитонимик бирлик (*ниста*, *заранг*, *олма*, *кади*, *гул*, *узум* каби)ларнинг лисоний мақоми ҳамда вазифалари; *булбул*, *лайлак*, *мусуча*, *қарға-қузгун*, *майна*, *тўти*, *ғоз*, *шунқор*, *сўна-суқсур* каби орнитонимлар; отларнинг асбоб-анжомлари номлари (*терлик*, *беллик*, *айил*, *узанги*, *қуюшқон*, *абзал* каби); уй ва ёввойи ҳайвонлардан *шер*, *айиқ*, *тулки*, *йўлбарс*, *қулон-кийик*, *фил*, *қаиқир*, *бўри* каби зоонимларни изоҳлашдаги маълумотлардан ФА–Ф8–034 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 89-03-4950-сон маълумотномаси). Натижада фитонимик ва орнитологик лексемаларнинг изоҳлари бойиган, мукаммаллашган; зоонимлар билан боғлиқ илмий изоҳлар тузилган, соҳага оид ўзбекча терминлар сифат жиҳатдан маълум даражада янгиланган;

мазкур тадқиқотдаги иборалар ва уларнинг услубий хусусиятларига алоқадор 10 га яқин сўзлар (*кўз*, *бош*, *юрак*, *қон*, *ақл*, *кўнгил* узвли иборалар) нинг хилма-хил услубий маъноларидан MUZ-2015-0725140051 рақамли “Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги лойиҳада муҳим манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 89-03-4950-сон маълумотномаси). Натижада ибораларнинг қўлланишидаги услубий маъноларни очиб беришга ва тавсифлашга хизмат қилган, лойиҳа доирасида чоп этилган “Фразологизмларнинг нутқда қўлланиши”, “Бошланғич синфларда ибораларни ўрганиш методикаси” номли монографияларни тайёрлашда кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 170 варакдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари тавсифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган; тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Малика айёр” достони сўз бойлигининг тарихий-этимологик таҳлили** деб номланган. Унинг дастлабки фаслида *“Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари лексикасининг ўрганилиши ва ҳозирги даврдаги муаммолар”* масаласи ёритилган. Унда асосий эътиборни халқ достонларидаги лексик материалнинг шева ва адабий тилга муносабатини очишга бағишланган тадқиқотлар гуруҳи (Х.Донёров, А.Ишаев, Б.Тўйчибоев)га, достонлар лексика-си таҳлилига кенг қамровда ёндашилган тадқиқотлар йўналиши (С.Турсунов, Д.Абдурахмонов, Ҳ.Бектемиров, Ж.Холмуротова, З.Холмонова, Р.Расулов, Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева ва бошқалар)га оид монография, диссертация ва илмий мақолаларни таҳлил қилишга қаратдик, бу борадаги долзарб муаммолар ўртага ташланди.

Бобнинг *“Достон лексикасининг тарихий-этимологик таҳлили”* деб номланган кейинги фаслида дастлаб туркий қатламга хос ўндан ортик лексемаларнинг лексик, семантик ва услубий жиҳатлари ёритилди. “Малика айёр” достони матнида қадимги туркий тил даврида кенг истеъмолда бўлган бир қатор умумтуркий лексемалар: *узатмоқ, ичмоқ, болаламоқ, битказмоқ, олмоқ, ясамоқ, эл, йўл* кабилар қўлланганлиги аниқланди ва таҳлилга жалб қилинди.

Нуфузли луғатлар (ДТС, 620; ЎТЭЛ, 381) да қайд этилишича, қадимги туркий тилдаги “чўзмоқ, тортмоқ”, “сусткашлик қилмоқ” маъноларида қўлланган *узатмоқ* феълига *-t* орттирма нисбат қўшимчаси қўшилиши билан *“uzatmoq”* сўзи ҳосил қилинган. Алишер Навоий тарихий асарлари матнида ушбу ясама сўз ўз маъносини бироз кенгайтириб, уч хил маънода: 1) “чўзмоқ, йўналтирмоқ”; 2) “қизни узатмоқ, турмушга бермоқ”; 3) “жўнатмоқ, кузатмоқ” каби маъноларида қўлланганлиги аниқланган⁶. Ушбу лексеманинг саккиз маънода қўлланганлиги ЎТИЛ (4, 261) да қайд этилган. Биз ўрганган достон матнида ушбу лексема фақат икки маънода қўлланганлиги аниқланди: 1. “Бирор

⁶Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016, 51 б.

томонга йўналтирмақ, чўзмақ” (қўлни, бўйинни) маъносида: *Олмадан емоқчи бўлиб қўл узатди, олма дариллаб осмонга чиқиб кетди (47); Остидаги Бўзтулпор // Йўлда бўйнин узатди (126); 2. “Турмушга чиқармақ, етказиб бермақ” маъносида: Сизлар кебсиз паризодни узатиб // Жой ораста, манзил жойлар тузатдик (183) каби.*

“Қадимги туркий луғат”⁷ да *balalamoq* феъли “қуш ва паррандаларнинг бола очиб кўпайиши” маъносида қўлланган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ида *bala* сўзи “қуш боласи”ни англаганлиги таъкидланган. Навоий асарлари тилида эса ушбу феъл лексема фақат қуш, балки бошқа ҳайвонларнинг кўпайишига нисбатан ҳам қўлланилганлиги аниқланган⁸. *Болаламоқ* лексемаси бошқа туркий сўзлар қаторида ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол учрайди. ЎТИЛ (1, 307)да бу сўзнинг икки хил маъноси: 1) “Ўзидан насл қолдирмақ; бола туғиб ёки очиб кўпаймақ; урчимақ;” 2) Кўчма маънода “кўпаймақ, урчимақ” тарзида қўлланганлиги изоҳланган. “Малика айёр” достонида эса фақатгина бир ўринда ушбу лексема қуш (булбул)нинг “бола очиб кўпайиши” маъносида қўлланганлиги кузатилди: *Тўти, майна сайраб ётган // Булбуллар болалаб ётган (170) каби.*

Достон матнида ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган туркий сўзлар миқдори кўпчиликни ташкил этади. Булар: ҳаракат-ҳолатни билдирувчи (*бермақ, демоқ, кетмақ, отланмақ* ва ҳ.к.); белги-хусусиятни билдирувчи (*оқ, кўк, қора, яшил, ёмон* ва б.к.); нарса-буюм номлари: *ипак, шойи, эгар, узанги* каби; айрим шахс отлари: *элчи, мерган* каби; ҳайвон номлари: *ит, илон, кийик, от, товус* ва бошқалар; олмошлар: *мен, сен, биз, сиз, улар, ҳаммаси, бари* каби; иборалар: *кўзи ёрмақ, бўйин товламақ, тил теккизмақ* ва ҳ.к; ёрдамчи сўзлар: *учун*; тўлиқсиз феъллар: *эди* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида форсча-тожикча ўзлашмаларнинг табиати ва қўлланиш даражаси тадқиқ қилинди. Достондаги бундай ўзлашмаларни тарихий тадриж жиҳатдан қўлланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди: а) қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол қўлланган форсча-тожикча ўзлашмалар: *гавҳар, пайгамбар, фигон, паршон* каби; б) ҳозирги ўзбек адабий тилида ва достон матнида қўлланган форсча-тожикча ўзлашмалар: *шаҳар, фарзанд, ҳам, подшо, анжом, тоза, зог, ҳамма, жаҳон, даркор, абгор, зинҳор, заҳар, банда* ва бошқалар; в) ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган, лекин достон матнида фаол қўлланган форсча-тожикча ўзлашмалар: *шоҳ, сардор, канизак, лашкар, кўшк, муҳрдор, сипоҳи-аскар* каби. Достон лексикасидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг таҳлили улар асос эътиборига кўра ҳаётий нарса, ҳодиса, шахс, нарса-буюм, белги-хусусияти ва шунингдек, мавҳум маъно тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи мустақил сўзлар эканлигини кўрсатди. Бундай ўзлашмаларнинг кўпчилик қисми кундалик турмушда серистеъмол сўзлар сифатида тилимизнинг луғат бойлигига кириб кетган.

Биринчи бобнинг охириги фаслида достондаги арабча ўзлашмаларнинг қўлланилиши ҳам тадқиқ қилинди. “Малика айёр” достони матнида юз

⁷ Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С.80

⁸ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 51 б.

йигирмадан ортиқ арабча ўзлашмалар: *азиз, зиёрат, фойда, дуо, одам, маъқул, маслаҳат, мазах, замон, савлат, сайр, халқ, яқин, гайрат, гам, савдо, магрур, давлат, жабр, раҳм, сир, хабар, зулм, заъфарон, шукр, мулк, хасрат, изза, ахир* кабилар қўлланганлиги аниқланди. Араб тилидан ўзлашган сўзларнинг матндаги семантик маъноларини ўрганиш ва лексик-семантик таҳлил қилиш кутилмаган натижалар беришга, янги-янги хулосалар чиқаришга имкон берди. Натижада, *тақдир* лексемаси 5 та, *қаландар* лексемаси 2 та, *ханжар* лексемаси 3 та, *давлат* лексемаси 6 та, *маслаҳат* лексемаси 5 та, *фалак* лексемаси эса 3 та маънода қўлланганлиги аниқланди ва шарҳланди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Достон лексикасининг функционал-семантик тадқиқи**” деб номланган. Унинг дастлабки фасли “*Достондаги сўзларнинг мавзуий таснифи ва уларнинг лексик-семантик табиати*” масаласига бағишланган. Дунё халқлари тилшунослигида тилнинг луғат бойлигини ташкил этувчи сўзларни «мавзуий гуруҳлар» асосида тасниф қилиш, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам сўзларни тематик (мавзуий) қаторларга кўра тасниф қилиб ўрганиш тажрибаси исботланган. Э.Бегматовнинг таъкидлашича, «тематик гуруҳлар» атамаси икки тушунчани англатади: сўзларни тасниф қилишнинг лингвистик методларидан бирини ва ушбу методда тасниф қилинган тил материалининг лексик гуруҳларини. Тематик гуруҳлар аввало, илмий метод (лингвистик усул)дир. Бу усул ёрдамида белгиланувчи лексик гуруҳларни тил материали беради. Сўзларни гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш тилнинг халқ ҳаёти билан боғлиқ хусусиятларини ҳам намоиш қилишга имкон беради. Бу жиҳатдан тематик тасниф методи лингвосоциологик қимматга эга»⁹.

Достон лексикаси бўйича кузатишларимизнинг тасдиқлашича, нарса ва предметлар номига мансуб сўзларнинг қўлланиши даражаси энг юқори, улар миқдоран кўпчиликти ташкил этган; кейинги ўринни эса иш-ҳаракатни англатувчи сўзлар гуруҳига тегишли бирликлар эгаллаган. Фикримизча, мантик нуқтаи назаридан ҳам шундай бўлиши лозим. Чунки мазкур достонда қўлланган тил бирликларининг аксарият кўпчилиги нарса-предметлар ва эпик қаҳрамонларнинг номини билдиради, улар ўз навбатида бир-бири билан ўзаро муносабатга киришиб, предикативликни шакллантирувчи, иш-ҳаракатни англатувчи сўзларга боғланиб, гапни ташкил этишда фаол иштирок этади. Достон лексикасида нисбатан кейинги ўринларни нарса-ҳодисаларнинг (кенг маънода) белгисини билдирувчи ва аниқлаб келувчи сўзлар, ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзлар; шахс, нарса-ҳодиса ва ҳаракатнинг миқдорини аниқлаб келувчи сўзлар эгаллайди. Ундан кейинги ўринларни ёрдамчи сўзлар, шунингдек, нарса, шахс, белги ва ҳаракатга ишора қилувчи, кўрсатувчи сўзлар эгаллайди; достонда ундов сўзлар; шунингдек, кўмакчилар ва боғловчи вазифасида қўлланадиган сўзлар эса жуда кам миқдорни ташкил этади. Тадқиқотда достон лексикасидаги сўзларни қўлланиш даражасига кўра мавзуий гуруҳларга ажратилди, алоҳида-алоҳида тасниф қилиш орқали улардаги лексик-семантик хусусиятлар аниқланди.

⁹Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б.121.

I. Нарса-предмедларнинг номларини ифодаловчи сўзлар. Бу гуруҳдаги сўзларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги тартибда таснифладик:

1. Инсон танаси ташқи аъзолари номлари: *оёқ, елка, бел, бош, бурун, бўйин, кўз, кўкрак, манглай, қўл, қорин, тирноқ, жағ* ва бошқалар, шунингдек, ички аъзолари номлари: *тиш, тил, танглай, юрак, суюк, жигар* каби.

2. Қон-қариндошлик, яқинлик тушунчаси номлари: *ота, эна, почча, жезда, ўғил, қиз, фарзанд, тоға, хола, амма, авлод, насл* каби.

3. Махсус ўрин-жой номлари: *майхона, отхона, оғилхона, обхона, жевахона, тўпхона, сардобо, қаъла* каби.

4. От ва унинг асбоб-аслаҳалари номлари: *Ғиркук, Ғирот, эгар, терлик, беллик, тўқим, айил, пушитлон, узанги, қуюшқон, абзал, чилги, парқин* каби.

5. Фитонимик номлар: *гул, заранг, олма, кади, узум* каби.

6. Диний эътиқод ва ислом дини билан боғлиқ тушунча номлари: *газот, гози, шаҳид, чилтон, жаннат, жаҳаннам, дўзах, беҳишт* ва ҳ.к.

7. Космонимик номлар: *офтоб, ой, савр, қуёш, юлдуз* каби.

8. Таом ва озиқ-овқат маҳсулотини номлари: *руста, қандолат, чулон, тугун оши, таътил, овқат, нон, шарбат, қанд, шароб, писта, ош, новвот* ва бошқалар.

9. Маиший ҳаёт (уй-рўзгор буюмлари) номлари: *уй, сандиқ, ўтин, чодир, қозон, пичоқ, тўшак, бозор, зиёфат, олов, омоч, ошпаз* каби.

10. Кийим-кечак, безак ва мато номлари: *пўстин, чопон, тўн, либос, кулоҳ, бонот, духоба, адрас-кимхоб, ипак* каби.

II. Ҳаракат-ҳодисани ифодаловчи сўзлар. Диссертацияда бундай сўзларни маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги лексик-семантик гуруҳларга бўлиб изоҳлашни лозим топдик:

1. Ҳаракатнинг бошланганлик маъносини ифодаловчи сўзлар: *бошламоқ, келмоқ, кетмоқ* ва уларнинг дostonда қўлланган турли хил шакллари.

2. Ҳаракатнинг бажарилиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар: *ётмоқ, турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ, бормоқ, келмоқ, бермоқ* ва уларнинг дostonдаги турли хил шакллари.

3. Ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар: *қол кўмакчи феъли* ва унинг дostonда қўлланган ҳар хил шакллари.

4. Ҳаракатнинг тўлиқ бажарилиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар: *бўлмоқ, битмоқ, чиқмоқ, етмоқ, ўтмоқ, олмоқ, қўймоқ, кетмоқ, юбормоқ, солмоқ, тушмоқ* ва уларнинг дostonдаги хилма хил шакллари.

5. Ҳаракатнинг бажарилиш даражаси маъноларини ифодаловчи сўзлар: *қолмоқ, кетмоқ, юбормоқ, ташламоқ, ўлмоқ* ва уларнинг дostonдаги ҳар хил шакллари.

6. Ҳаракатнинг бажарилиши ва юзага келиши маъносини, ҳаракатнинг бир марталигини ёки ундан ортиқлигини ифодаловчи сўзлар: *олмоқ, қолмоқ, қўймоқ* каби сўзлари ва уларнинг дostonда қўлланган шакллари.

Ҳар қандай ҳаракат бир ёки бир неча субъект томонидан бажарилади ёки амалга оширилади¹⁰. Диссертацияда эпик қахрамонлар фаолияти, уларнинг хилма-хил ҳаракатларини ифодаловчи сўзлар гуруҳлари ҳам алоҳида таҳлил этилди. Дoston матнидаги ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзларнинг ҳаммаси

¹⁰ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). I-том. Тошкент:Фан. 1975.– Б.410-416.

ўз қатламга тегишли туб ва ички имкониятлар асосида ясалган ясама сўзлар эканлиги аниқланди, улар куйидаги мавзуий гуруҳларга бўлиб тасниф ва таҳлил қилинди: а) жисмоний фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи сўзлар: *осмоқ, турмоқ, сўймоқ, бошламоқ, уришмоқ, кирмоқ, дамламоқ, урмоқ, уришмоқ, сепмоқ* каби; б) нутқий фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи сўзлар: *демоқ, айтмоқ, гаплашмоқ, жавоб бермоқ, сўзламоқ* каби; в) ақлий фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи лексемалар: *билмоқ, англамоқ, ақли шошмоқ, ақли тошмоқ* каби; г) ҳолатни ифодаловчи сўзлар: *кулиб турмоқ, кулмоқ, титрамоқ, хурсанд бўлмоқ, хафа бўлмоқ* каби.

III. Белги-хусусиятни англатувчи сўзлар. Ўзбек тилшунослигида шахс белги-хусусиятни англатувчи ва шунингдек, ахлоқ-атвор лексикаси баъзи тадқиқотларда махсус ўрганилган¹¹. Биз тадқиқ қилган дoston матнидаги бундай сўзлар бирор предмет, воқеа-ходиса ва ҳолатнинг белги хусусиятларини, эпик қаҳрамоннинг феъл-атвори, қиёфаси, характерини ифодалашга ёки бирор аъзоларини сифатлашга хизмат қилган. Диссертацияда бундай сўзлар кичик мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва лексик-семантик табиати таҳлил қилинди: 1. Эпик қаҳрамон феъл-атвори, характер-хусусиятига хос ижобий сифатларини ифодаловчи сўзлар: *мард, полвон, яшии, лочин, шунқор, вафоли, мағрур* каби; 2. Эпик қаҳрамон феъл-атвори, характер-хусусиятига хос салбий сифатларини билдирувчи сўзлар: *жаллод, кашир, жодугар, бадбахт, айёр, жувонмарг, шунгут* каби; 3. Эпик қаҳрамон қиёфаси ёки бирор аъзоларини сифатловчи сўзлар: *гул юзли, нозик бел, жоду кўз, сипойи кўз, қомати шамшод, полвон* ва бошқалар; 4. Шахс ёки нарсанинг ҳажм-ўлчов белсини, масофа ва миқдорни ифодаловчи сўзлар: *азим, катта, узун, ўрта, яқин, олис* ва бошқалар; 5. Эпик қаҳрамон отини сифатловчи сўзлар: *саман, бедов, ола чипор* каби; 6. Ҳар хил қурол-аслаҳаларни сифатловчи сўзлар: *яшин, кескир* каби; 7. Ранг-тусни, қиёфани сифатловчи ёки шакл-кўринишни ифодаловчи сўзлар: *қора, оқ, яшил, кўк* ва бошқалар; 8. Ҳар хил буюмларни сифатловчи сўзлар: *тилла, мрамар, олтин, кумуш* ва ҳ.к.

IV. Иш-ҳаракат ва ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар. Диссертацияда дoston тилидаги иш-ҳаракат ва ҳолат, баъзан предмет белгисини англатувчи сўзлар ўзлари боғланган феълларни аниқлаб келиши нуқтаи назаридан кичик гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва лексик-семантик табиати таҳлил қилинди: 1. Ҳаракатнинг пайтини билдирувчи сўзлар: *тонг, аввалги, чошгоҳ, эрта, саҳар, бугун, кеча, кеча-кундуз, оқшом* каби; 2. Ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирувчи сўзлар: *ичкари, пайт, яқин, нари, олдинда, орқа, у ёқ, бу ёқ, унда, бунда* каби; 3. Ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирувчи сўзлар: *тез, бирдан, аста, зўр* ва бошқалар.

V. Миқдор ва санок тушунчаларини ифодаловчи сўзлар. Дostonда бундай лексемалар эпик қаҳрамонлар нутқида номинатив-тавсифий вазифа бажарган, нарса-ходисаларнинг миқдорини билдириб, гапда аниқловчи вазифасида келган.

¹¹ Дадабоев Ҳ. “Бобурнома”даги ахлоқ-атвор лексикаси хусусида // Филология. №6. Самарқанд: 2004.– Б.3-7; Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.:Фан, 2007; Абдужабборов Ф. “Қутадғу билиг”да шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика: Филолог. фанлари номзоди ... дисс.... автореф.-Т., 2011; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б.91-92.

Диссертацияда туркийча *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, элик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг* каби санок миқдори маъносидаги, *иккинчи, учинчи, тўртинчи* каби миқдорнинг тартибини билдирувчи, *икков, учов, бешов* каби миқдорни жамлаш маъносидаги сўзлар қўлланилганлиги, шунингдек, достон сўз бойлигида *яшар, қарич, ақча, дирхам* каби ўлчов сўзлари ҳам ишлатилганлиги таҳлилий материаллар орқали асослаб берилди.

VI. Ишора билдирувчи сўзлар. “Малика айёр” достонида *мен* эпик қаҳрамонни ифода этувчи ишора билдирувчи сўзлар; шунингдек, *бари* каби жамлаш; *ким? нечов?* каби нарса-буюм, белги ёки миқдор ҳақидаги сўроқ; *бу ана* каби кўрсатиш; *ҳечнима, ҳеч ким, ҳеч қайси* каби инкор; *ўзи* каби эпик қаҳрамонни таъкидлаб кўрсатиш маъносидаги ишора билдирувчи сўзлар ҳам кенг қўлланилганлиги аниқланди. Диссертацияда ишора билдирувчи сўзларнинг энг фаол қўлланган тури - олмошларнинг достонда қўлланиш даражаси, лексик-семантик табиати ва ўзига хос лисоний хусусиятлари таҳлилий материаллар асосида ёритиб берилди.

1. Кишилиқ олмошлари: *мен, сен, у, сизлар, улар, биз* кабилар ва уларнинг достондаги шакллари. Бундай олмошлар достон лексик қатламида эпик қаҳрамон ёки унинг бирор фаолияти билан боғлиқ муайян ҳолатини ифодалаш билан бирга баъзан кўрсатиш маъносини ҳам билдириб келганлиги аниқланди. Шунга кўра, бундай олмошлар диссертацияда икки гуруҳга ажратилиб: соф кишилиқ олмошлари ва кишилиқ-кўрсатиш олмошлари сифатида таҳлил материаллар орқали ўрганилди.

2. Кўрсатиш олмошлари: *ушбу, бу, ул, ана шу, бул, шул* ва бошқалар. Бундай олмошлар достоннинг лексик қатламида бирор эпик қаҳрамон, предмет ёки белгини кўрсатиш, таъкидлаш учун ишлатилган, матнда от, сифат ва равишларнинг ўрнида қўлланиши кузатилди. Ишда кўрсатиш олмошлари маъносига кўра икки хил: конкрет маънони билдирувчи ва конкрет бўлмаган маънони ифодаловчи кўрсатиш олмошлари таҳлил этилган.

3. Сўроқ олмошлари: *на, не, нечун, неча, нечук, нега, ким, нима, қандай, қандайин* кабилар ва уларнинг достондаги шакллари. Достонда бундай олмошлар эпик қаҳрамонга, унинг бирор фаолиятига, мақсадига, сюжет билан бевосита алоқадор бирор предметга, белгига, вақтга, эпик ўрин ва маконга муносабатни ифодалашга хизмат қилганлиги аниқланди.

4. Ўзлик олмоши: *ўз* сўзи орқали. Достонда бу олмош отлар олдида келиб айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланганлиги ва муайян предметни аниқлаб, эпик қаҳрамонлардан бирига хос эканлиги, ўз олмоши матн таркибида ҳамма гап бўлаги вазифасида ёки турли келишиқ шаклида кела олиш имкониятига эгаллиги, шунингдек, бош келишиқ формасидаги эгалиқ билан турланиб, ҳар учала шахс, бирлик ва кўпликдаги кишилиқ олмошлари ўрнида ишлатилиб, кўпинча шахсни кўрсатганлиги аниқланди. Бундай ҳолларда турли хилдаги модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилиб, баъзан пайт ёки ўринга нисбатан аниқликни таъкидлаш учун ҳам қўлланганлиги асослаб берилди.

5. Белгилаш олмошлари: *бари, ҳамма, ҳар қайси, ҳар тури, ҳар ким* ва бошқалар. Бундай олмошлар дoston сюжети ва эпик қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, бирор предметларнинг йиғиндисини, тўдасини билдирган ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилган.

6. Бўлишсизлик олмошлари. Дostonда *ҳеч нарса, ҳеч ким, ҳеч қандай* каби шакллари учрайди, лекин, улар жуда ҳам камчилик миқдорни ташкил қилган.

VII. Ундов (*оҳ, оҳ-вой, дод, эй, ҳа, ур, бор, сур* каби) сўзлар. Бундай сўзлар дostonда жуда кам даражада қўлланган, озчилик миқдорни ташкил қилади. Ундов сўзлар сюжет воқеалари билан бевосита боғлиқ эпик қаҳрамонларнинг ташки олам ёки бирор фавқулодда ҳодисага бўлган муносабатлари натижасида юзага келган турли хил кечинмаларини ва ҳис-туйғуларини эмоция ва руҳий ҳолатларини, хоҳиш-истаги, қувонч ва қайғуси, азоб ва нафрати, талаб ва буйруғи сингари руҳий ҳолатларини билдириб келишга хизмат қилган. Бундай ундов сўзлар дoston матнида сюжет ситиуацияси ва интонация билан бевосита боғлиқ хилма-хил маъноларни ифодалаган. Диссертацияда *ачиниш, эътироз, афсусланиш, зорланиш, бирор мақсадни амалга ошириш, мурожаат* каби маъноларни ифодалаган ундов сўзлар таҳлилий материаллар асосида тадқиқ этилди.

VIII. Кўмакчилар ва боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар. Диссертацияда мустақил маъносини тамоман йўқотган сўзлардан бири – *билан* кўмакчиси ва унинг қисқарган шакли–*ман* варианты, шунингдек, феъл сўз туркумига мансуб *демоқ, деб* сўзининг – *деди, десангиз, десанг* каби шакллари ҳамдostonда боғловчи вазифасида анча фаол қўлланганлиги алоҳида текширилди ва бу борада муайян қисқача илмий хулосалар ҳам берилди.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли “*Ижтимоий-сиёсий лексика*” масалаларига бағишланди ва семантик гуруҳларга бўлиб ўрганилди. 1. *Мансаб-мартаба маъносини ифодаловчи лексемалар*. Диссертацияда бундай лексемаларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги гуруҳларга ажратилди: а) энг юқори лавозим, олий мансаб номини билдирувчи семантик гуруҳдаги сўзлар: *подшо, султон, хон* каби; б) муайян вазифа учун масъул шахс тушунчасини билдирувчи семантик гуруҳдаги сўзлар: *вазир, амир, қозикалон, қози, нойиб, тўра, қўрғонбеги, закотчи, миршаб, шабгир, ҳудайчи, бек, қўрбоши, даҳабоши* каби; в) муайян хизматни бажарувчи шахс тушунчасини ифодаловчи семантик гуруҳдаги сўзлар: *жизадор, тугдор, сўфи, канизак, қаландар, сардор* каби; 2. *Касб-ҳунар номларини ифодаловчи сўзлар*. Диссертацияда *сайис, жаллод, уста, мулла* каби ўнга яқин сўзларнинг этимологик, функционал ва семантик табиати ўрганилди; 3. *Ҳарбий атамалар номини ифодаловчи сўзлар*. Ўзбек тилшунослигида ёзма асарлар мисолида ҳарбий лексика махсус ўрганилган¹². Лекин халқ дostonлари лексикаси мисолида ҳарбий атамалар ва унинг семантик гуруҳлари қисман ўрганилган¹³. Диссертацияда ҳарбий атамаларни қуйидаги

¹² Дадабоев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке, Автореф, дисс.... канд. филол. Наук, –Ташкент, 1981; Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка, –Ташкент: Фан, 1990. Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 100 б.

¹³ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари

семантик гуруҳларга ажратдик ва таҳлил қилдик: а) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи эпик қаҳрамон тушунчасини ифодаловчи атамалар: *сипоҳ, аскар, аскар-лашкар, душман, ёв, отлиқ, пиёда, яёв, мерган* каби; б) курол-яроқ тушунчасини ифодаловчи лексемалар: *пичоқ, қалқон, қилич, найза, сипар, совут, милтиқ, ёв-яроқ, ханжар*, каби; в) ҳарбий иншоатлар номини билдирувчи лексемалар: *зиндон, қалъа, дарбанд, қудуқ, бандаргоҳ, қўрғон-қалъа* каби.

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “*Антропоним ва топонимлар*” деб номланган. Унда дoston лексикасида энг кўп учрайдиган номлардан бири-антропонимлар тилшунослигимиздаги мавжуд мезонлар асосида таснифланди.

1. Антропонимларнинг генетик таснифида уларнинг қайси тил материали эканлиги асос қилиб олинди ва қуйидагича гуруҳланди: 1) Туркий асосли номлар: *Аваз, Япроқ, Оққиз, Бектош*, арабча сўзлардан ясалган туркийча номлар (*Қосимхон*), шунингдек, форсча сўзлардан ясалган туркийча номлар: *Гўрўгли, Тиллақиз, Оқдевшоҳ, Шоҳасан* каби; 2) Соф арабча номлар: *Аҳмад, Мажнун, Ҳасан, Абубақир, Аброр, Акбар, Анвар, Асад, Али, Вали, Зулайҳо, Карим, Маҳмуд, Муҳаммад, Мисқол, Муртозо, Расул, Усмон, Қосим, Фиёс, Ҳалил, Маждим, Хадича* каби; 3) Эроний асосли номлар: *Орзигул, Гулқиз, Сурхаил, Шодмонхон, Шозаргар* каби; 4) Араб ва форс-тожикча сўзлардан ясалган номлар: *Соқибулбул* каби; 5) Форсча-тожикча ва арабча сўзлардан ясалган номлардан: *Гулзамон* каби; 6) Қадимий яҳудий тилидан кириб келган номлар: *Юнус, Иброҳим, Илёс, Исмоил, Нух, Сулаймон, Юсуф, Юсуфбар* каби; 7) Юнон тилидан кириб келган номлар: *Искандар* каби; 8) Қадимги ҳинд(пахлавий) тилидан кириб келган номлар: *Рустам* каби.

2. Антропонимлар лексик-семантик таснифда қуйидаги гуруҳларга ажратилди: а) тарихий шахслар, пайғамбарлар, авлиё ва анбиёлар номлари билан боғлиқ номлар: *Искандар, Маҳмуд, Абубақир, Али, Иброҳим, Исмоил, Муҳаммад, Нух, Расул, Сулаймон, Юсуф, Саид* каби; б) “Малика айёр”да ва бошқа халқ дostonларида фаол учрайдиган анъанавий эпик қаҳрамонлар номлари: *Аваз, Орзигул, Оққиз, Юнус, Ҳасан, Рустам, Гўрўгли, Зулайҳо, Искандар, Маҳмуд, Соқибулбул, Юсуф, Қосим* ва бошқалар.

Диссертацияда микропонимлар ҳам алоҳида текширилди ва дoston лексикасида ҳажман катта ҳудудни ифодаловчи қуйидаги топонимлар қўлланганлиги кузатилди: а) тарихий ва афсонавий мамлакат номлари: *Ўзбекистон, Торкистон, Яман, Ясар, Кўйиқоф, Хитой-Хўтанни, Рум (Рим), Чамбил, Ҳурум, Исфохон* каби; б) тарихий ва афсонавий шаҳар номлар: *Бағдод, Макка, Самарқанд, Тошкент, Истамбул, Шоҳимардон, Қўқон, Ҳазорасп, Дархон, Зарчаиша* каби.

